Ўзбекистон — келажаги буюк давлат



# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

5 январь, жума, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 4 (1257)

## СОҲИБҚИРОН ТЎЙИГА ТАЙЁРГАРЛИК



СУРАТДА: йиғилиш пайти.



А. ТЎРАЕВ олган суратлар.

Республика Вазирлар Маҳкамасида 4 январь куни Президент Ислом Каримов раислигида кенгаш ўтказилди. Унга вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вазирликлар, давлат қўмиталари, уюшмалар, концернлар ва идоралар раҳбарлари таклиф этилди.

Кенгашда соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тадбирлари дастурига кирган иншоотларнинг қурилиши ҳамда таъмирланиши қандай бораётгани тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

— Мамлакатимизда 1996 йилни Амир Темур йили, деб эълон қилдик, — деди Ислом Каримов. — Нуфузли халқаро ташкилот — ЮНЕСКОнинг қарорига биноан буюк бобокалонимиз юбилейи нафақат Ўзбекистон, Марказий Осиё, балки бутун дунёда кенг нишонланади. Бу барчамизнинг қалбимизда чексиз фахр ва ифтихор уйғотиш билан бирга зиммамизга улкан масъулият ҳам юклайди.

Ана шулардан келиб чиққан ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг Амир Темур юбилейини ўтказиш ҳақида 1994 йилда қабул қилган қарорига муайян қўшимчалар киритиш, юбилейни ўтказиш дастурини янги-янги тадбирлар билан тўлдириш зарур, деб ўйлайман. Амир Темур номи билан боғлиқ қадамжоларни ободонлаштириш, иншоотларни таъмирлаш ишларини юксак даражада ўтказиш бугунги кунда барча мутасадди раҳбарлар, қолаверса, шу юрт ҳар бир фарзандининг муқаддас иши бўлмоғи керак. Айниқса, Самарқанддаги Амир Темур мақбарасини дунёдаги машҳур табаррук жойлардан бирига айлантириш, бунинг учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қилишимиз, қанча олтин ёки маблағ керак бўлса сарф этишимиз лозим. Зеро, буюк бобокалонимиз ҳар қанча эъзоз ва эҳтиромга муносибдир. Бу ишларни амалга оширишда барча вилоятларнинг имкониятларини тўла ишга солиш лозим, токи Амир Темур юбилейи умумхалқ байрамига айлансин. Юртимиз довруғини янада узоқ-узоқларга элтсин.

Ҳокимлик, вазирлик, уюшма ва идораларнинг раҳбарларига Амир Темур юбилейига тайёргарлик ишларини жадаллаштириш юзасидан аниқ топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

Кенгашда Республика Бош вазири Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

(ЎзА).

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти. А. ТЎРАЕВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 январь куни Грузия Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари, Грузия Президентининг махсус вакили Георгий Бурдулини қабул қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Грузия ўртасидаги аввал имзоланган ҳукуматлараро ҳужжатларни ҳаётга жорий этиш ва икки мамлакат муносабатларига доир томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Г. Бурдули мамлакатимиз раҳбарига Грузия Республикаси Президенти Э. Шеварднадзенинг шахсий мактубини топширди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

## ФУТБОЛИМИЗ ЮРТИМИЗ НУФУЗИГА МОС БЎЛСИН

*4 январь куни Республика Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистонда футболни янада ривожлантириш масалаларига бағишланган мажлис бўлди. Уни Президент Ислом Каримов бошқарди. Мажлисда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вазирликлар, давлат қўмиталари, концернлар, идоралар ва уюшмалар раҳбарлари иштирок этди.*

— Бугун биз мамлакатимизда спортнинг, хусусан футболнинг аҳволи қандай, у бугунги кун талабларига жавоб берадими, уни янада ривожлантириш учун қандай чора-тадбирлар кўришимиз кераклиги ҳақидаги масалаларни муҳокама этиш учун бу ерга йиғилдик,-деди Ислом Каримов. — Илгари футбол борасида Ўзбекистоннинг обрўси бор эди. «Пахтакор» командамиз ўша вақтларда Ўзбекистоннинг вакили сифатида ўз номи ва нуфузига эга эди. Ҳозир бу оммавий ўйиннинг аҳволи қандай, у бизни қониқтирадими? Муҳими, футболимизнинг обрўси мустақил Ўзбекистоннинг жаҳонда кундан-кунга ортиб бораётган нуфузи ва шаънига мосми? Биз бу ерда масалага кенгроқ қараб ана шу кескин саволларга жавоб излашимиз керак.

Тўғри, миллий терма жамоамизнинг ўн иккинчи Осиё ўйинларидаги ғалабаси ҳаммамизни қувонтирди, Ўзбекистоннинг куч-қудратини намойиш қилди, юртимиз шуҳратига шуҳрат қўшди. Лекин бу мамлакатимиздаги футболнинг аҳволи кўнгилдагидек, дегани эмас. Шуни тан олиш керакки, жаҳон футболи тараққиётини назарда тутганда биз ҳали бирмунча орқада қолмоқдамиз. Ҳолбуки, футболни ривожлантириш учун барча омиллар мавжуд. Бизнинг болаларимизда футболга бўлган қизиқиш Бразилия ёки Аргентинадагидан камми? Иқлим шароитимиз эса деярли йил давомида футбол билан шуғулланиш имконини беради. Қолаверса, одамларнинг футболга бўлган муносабати ҳам яхши.

Шундай экан, нега бу оммавий ўйин бизда суст ривожланмоқда, — деди Президент. Демак, бу ишларнинг ташкилий асоси етарли даражада эмас. Стадионларнинг ҳолати ёмон аҳволда. Кўплаб раҳбарларда спорт, хусусан футболга иккинчи даражали иш деб қараш кайфияти мавжуд. Бунга барҳам бериш керак. Футбол соғлом авлодни тарбиялашга, халқнинг руҳини кўтаришга, ёшларни тарбиялашга хизмат қилиши лозим.

Маълумки, 1993 йилнинг март ойида Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистонда футболни ривожлантириш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Мазкур қарор мамлакатимизда бу борадаги ишларни бирмунча жонлантиришга хизмат қилган бўлса-да, айрим мутасаддиларнинг бепарволиги сабабли унинг кўп моддалари бажарилмай қолиб кетди. Чунки, қарорнинг ижросини назорат қилиш юклатилган раҳбарларда қатъият етишмади. Бугун ана шу қарорнинг бажарилишини сўраш фурсати етди. Шу билан бирга биз бу борадаги янги қарор лойиҳасини ҳам муҳокама этиш ва уни қабул қилиш мақсадга мувофиқ, деб биламиз. Ҳар бир ишнинг устувор йўналишларини белгиламасдан туриб, уни амалга ошириб бўлмайди. Шу маънода Ўзбекистон футболини ривожлантиришнинг асосий тамойиллари нималардан иборат бўлмоғи керак? Биринчидан, биз футболни янада тараққий эттиришда синовдан ўтган жаҳон тажрибасига суянишимиз керак. Хусусан, бу ишни мустаҳкам қонуний асосга таянган ҳолда ташкил этишимиз лозим. Қолаверса, мамлакатимизда мустақил, бақувват футбол клублари ташкил этишга киришмоқ даркор. Чунки, жаҳон футболи тараққиётининг асосини клублар ташкил этади. Клуб дегани эса, ўз-ўзини бошқарадиган, молиявий масалаларини ўзи ҳал этадиган, ўз низомига эга бўлган мустақил жамиятдир. Футболчи билан клуб ўртасидаги муносабатлар эса мустаҳкам қонуний асосда бўлиши лозим. Токи футболчининг ҳам, клубнинг ҳам манфаатлари камситилмасин. Ана шундагина бизда ҳам ҳақиқий футбол тараққий топади, футбол юлдузлари етишиб чиқади. Қолаверса, футбол оддий ўйин эмас, балки катта бизнес-даромад манбаи ҳамдир. Хорижда ҳеч бир давлат биронта клуб учун маблағ ажратмайди, ҳар бир клуб харажатини ўзи қоплайди. Футболчиларга маошни ўзи тўлайди. Футболчи меҳнатига яраша ҳақини олса, ўз ўйини билан халқимизни хурсанд қилади, юрт шаънини улуғлайди, — дея таъкидлади Ислом Каримов.

Шу ўринда юрт туйғуси ҳақида эслатиб ўтишга тўғри келади. Баъзан мана шу соҳа раҳбарларининг савияси талаб даражасида эмаслиги, уларда ватанпарварлик, халқпарварлик туйғуси етишмаётгандек кўринади. Йўқса пул деб, шахсий манфаат деб футболчиларни «сотиш» шартми? Шу йўл билан топилган озгина маблағ кимга керак? Бу Ўзбекистоннинг шаънига доғ туширмайдими. Демоқчиманки, бу ишлар билан юраги юртим деб жизиллайдиган, иймони мустаҳкам одамлар шуғулланиши керак.

Ўзбекистон бугунги кунда дунё ҳамжамиятида ўз мавқеи ва нуфузига эга. Унинг сиёсий, иқтисодий обрўси тобора ортиб бормоқда. Агар биз футболни, қолаверса, бутун спортни талаб даражасида ривожлантирсак, бу юртимизнинг эътиборини янада оширади. Дунё аҳли олдида миллатимизнинг куч-қудратини намойиш этади, — деди Ислом Каримов пировардида.

Мажлисда республикада кузги-қишки дала ишларининг якуни ва суғориладиган ерларнинг шўрини ювиш, ариқ-зовурларни, коллекторларни тозалаш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама этилди.

Кўрилган масалалар юзасидан вилоятлар ҳокимлари, вазирлик, давлат қўмиталари, уюшмалар раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Мажлисда республика Бош вазири Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

(ЎзА).

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## Экспорт қилиш тақиқланган буюмлар ва маҳсулотларнинг олиб чиқиб кетилишига қарши курашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Маҳсулотлар ва буюмларнинг қонунга хилоф равишда олиб чиқиб кетилишига қарши курашни кучайтириш, олиб қўйилган товар-моддий бойликларни мусодара қилишни тартибга солиш ҳамда уларни сотиш масалаларини тезкорлик билан ҳал этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Бош божхона бошқармасига ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар божхона хизматларига Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 25 июлдаги 287-сон қарори (7-илова) билан экспорт қилиш тақиқланган буюмлар ва маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетиш чоғида уларни мусодара этиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси (Ш. Қ. Гатаулин) ва Адлия вазирлиги (С. Мирсафоев) экспорт қилиш тақиқланган товарлар ҳамда маҳсулотларни мусодара этиш тартибини 10 кун муддат ичида тайёрлаб, тасдиқласинлар.

3. Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тегишли божхона хизматларининг қарорлари асосида 10 кун муддат ичида мусодара этилган товар-моддий бойликлар баҳоланиши ва сотилишини таъминласинлар.

4. Адлия вазирлиги икки ҳафта муддат ичида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига қўшимчалар тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлаб, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига тақдим этсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 4 январь.

## ЖАРРОҲЛИК МАРКАЗИ

Беруний шаҳрида жарроҳлик маркази дастлабки беморларни қабул қилди.

Уч қаватли шифохона замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Унинг очилиш маросимида Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси У. Аширбеков қатнашди.

## ҲАМКОРЛИК МЕВАСИ

Бухоро шаҳрида яна бир супермаркет дастлабки харидорларни қабул қилди. Уни «Бухоро» ташқи иқтисодий алоқалар уюшмаси ҳамда Англиянинг «Европеин импорт экспорт» компанияси ҳамкорликда ташкил этди. Янги савдо марказида Англия, Германия, Дания, Голландия каби хорижий давлатлардан келтирилган 1200 турдан кўпроқ халқ истеъмол моллари билан савдо қилинмоқда.

Супермаркетни очиш маросимида Бухоро вилояти ҳокими М. Раҳмонов қатнашди.

(ЎзА).

* ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР *

**ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ**

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

### БИНОКОРЛАР ҲАҚИДА АСАР

*Таниқли ёзувчи Муратбой Низановнинг «Хазина» асарини ўқувчилар илиқ кутиб олди.*

Асарда Устюрт саҳроси бойликлари, жумладан, Борса-Келмас туз конини ўзлаштириш, Марказий Осиёда ягона Қўнғирот сода заводи, Қўнғирот-Бейнов йўли қурилиши ҳақида ҳикоя қилинади. «Қорақалпоғистон» нашриётида чоп этилган бу китоб Устюрт бинокорлари тўғрисидаги дастлабки йирик асардир.

### ТЕЛЕСТУДИЯ ИШ БОШЛАДИ

*Самарқандда тожик тилида кўрсатувлар олиб борадиган «Овози Самарқанд» телестудияси фаолият кўрсата бошлади.*

Янги ижодий жамоанинг илк кўрсатуви — драматург Адаш Истад асари асосида тайёрланган «Маникен» спектакли томошабинларга манзур бўлди.

### ЯНГИ ЙИЛДАН ЯНГИ МАКТАБДА ЎҚИШАЯПТИ

*Бухоро туманидаги Хитоён қишлоғи аҳолисининг яна бир орзуси ушалди.*

Уларнинг фарзандлари янги йилдан янги мактабда ўқий бошлади. Тегишли анжомлар ва ўқув қуроллари билан жиҳозланган бу билим даргоҳида уларнинг пухта билим олиши учун барча шароит яратилган.

### КАСОВДАН ҚУТИЛИШДИ

*Пахтаобод туманидаги «Маданият» деҳқончилик фирмаси «Дўстлик» ширкатининг 150 хонадонида янги йил арафасида «зангори олов» ёнди.*

Шундай қилиб бу ерда аҳолининг аксарият қисми табиий газдан баҳраманд бўлди.

### ЭНДИ МАҲСУЛОТ СИФАТЛИ БЎЛСА АЖАБМАС

*Ўзбекистон давлат Фан ва техника қўмитаси 1996 йилга танлов ишлари топшириқларини ишлаб чиқди.*

Олдинги йиллардан фарқли равишда бу гал асосий эътибор кичик бизнес корхоналари учун ихчам ускуналар ва технология линиялари яратишга қаратилади. Биринчи навбатда рақобатбардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаб, республиканинг экспорт имкониятларини кўпайтирадиган лойиҳаларга кўмаклашилади.

* ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР *

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ*

# НАСЛЧИЛИК ТЎҒРИСИДА

**1-модда. Наслчиликнинг асосий вазифалари**

Қуйидагилар наслчиликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ҳайвонларнинг наслдорлик ва маҳсулдорлик сифатларини яхшилаш мақсадида наслчилик ресурсларини яратиш, сақлаш, такрор кўпайтириш ва улардан оқилона фойдаланиш;

селекция жараёнида фойдаланиладиган наслчилик ресурсларининг келиб чиқиши аниқ ҳисобга олинишини, маҳсулдорлигини, типи ва бошқа сифатлари бўйича баҳоланишини таъминлаш;

наслдор эркак ҳайвонларни авлодининг сифатига кўра синовдан ўтказиш;

янги фойдали генетик белгиларга эга бўлган ҳайвонлар олиш;

селекция ишида жаҳондаги энг қимматли генофонддан самарали фойдаланиш;

муайян жойга хос ва мамлакатимиздаги йўқ бўлиб бораётган зотлар генофондини сақлаб қолиш;

маҳсулот етиштириладиган подаларда ҳайвонларнинг наслдорлик ва маҳсулдорлик сифатларини ошириш ҳамда сермаҳсул ҳайвонларни жадал кўпайтириш;

бутун чорвачилик тармоғининг иқтисодий самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш.

**2-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилмоқда:

наслчилик — селекция мақсадида наслдор ҳайвонларни урчитиш, наслли маҳсулот (материал) етиштириш ва ундан фойдаланиш;

наслдор ҳайвон — келиб чиқиши ҳужжатлар билан тасдиқланган, муайян зотни такрор кўпайтириш учун фойдаланиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатга олинган ҳайвон;

наслли маҳсулот (материал) — наслдор ҳайвон, унинг уруғи ва эмбрионлари, наслдор тухум, ипак қурти уруғи;

бонитировка — ҳайвонларнинг наслдорлик ва маҳсулдорлик сифатларини баҳолаш;

генофонд (кам сонли) зот — муайян зотга мансуб ва йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги кам учрайдиган ҳайвонлар гуруҳи;

наслдор ҳайвонлар ва наслдор подаларни давлат рўйхатига олиш — келиб чиқишини аниқлаш ва маҳсулдорлигини белгилаш мақсадида наслдор ҳайвонлар ҳамда наслдор подалар ҳақидаги маълумотларни ҳисобга олиш;

сертификат — наслдор ҳайвоннинг келиб чиқиши, маҳсулдорлиги ва бошқа сифатларини, шунингдек уруғ ёки эмбрионнинг сифатини тасдиқловчи ҳужжат.

**3-модда. Наслчилик объектлари**

Наслдор ҳайвонлар — қорамоллар, қўйлар, эчкилар, отлар, туялар, чўчқалар, шунингдек паррандалар, балиқлар, асаларилар, ипак қурти, ёввойи ҳайвонлар (бундай буён матнда ҳайвонлар деб юритилади) ва уларнинг наслли маҳсулоти наслчилик объектлари ҳисобланади.

**4-модда. Наслчилик субъектлари**

Наслчилик иши билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот муассасалари, корхоналар ва хўжаликлар, селекция марказлари, ипподромлар, иммуногенетик назорат лабораториялари, назорат-синов станциялари, эмбрионларни кўчириб ўтказиш (трансплантация) марказлари ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслар — наслли маҳсулот эгалари наслчилик субъектлари ҳисобланади.

**5-модда. Наслчилик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Наслчилик соҳасидаги муносабатлар ушбу Қонун ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Қорақалпоғистон Республикасида наслчилик соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

**6-модда. Наслчилик бўйича давлат хизматига раҳбарлик қилиш**

Наслчилик бўйича давлат хизматига раҳбарлик қилишни Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси амалга оширади.

Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекциясининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан тайинланади.

Вилоятларда ва Тошкент шаҳрида наслчилик бўйича давлат хизматига раҳбарлик қилишни вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекциялари амалга оширадилар.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекцияларининг бошлиқларини Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишилган ҳолда тайинлайди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси тўғрисидаги Низом Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

**7-модда. Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекциясининг ваколатлари**

Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси:

тармоқда ягона илмий-техника сиёсатини амалга оширади;

наслчиликни ривожлантиришнинг давлат ва минтақавий дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни ташкил этади;

наслли маҳсулот (материал) экспертиза қилинишини таъминлайди;

наслчиликдаги нормативлар ва қоидаларни тасдиқлайди;

наслдор ҳайвонларни, наслчилик хўжаликлари ва подаларини тегишинча давлат китобида ва давлат регистрида рўйхатга олади;

сертификатлар беради;

наслчилик соҳасида селекция, биотехнология ва ирсият-муҳандислик усулларини қўлланиш шартларини белгилайди;

индивидуумлари наслдор ҳайвон сифатида фойдаланиладиган ҳайвонлар турларининг рўйхатини белгилаб қўяди;

наслчиликни давлат йўли билан рағбатлантириш, селекция мақсадлари учун фойдали қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг кам сонли ва йўқ бўлиб бораётган зотлари генофондини сақлаб қолиш чора-тадбирлари тўғрисида таклифлар киритади;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

**8-модда. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекцияларининг ваколатлари**

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекциялари:

наслчиликни ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил этади;

наслли маҳсулотнинг (материалнинг) экспертиза қилинишини таъминлайди;

наслдор ҳайвонларнинг, наслчилик хўжаликлари ва подаларининг ҳисобини юритади;

селекция мақсадлари учун фойдали чорва молларнинг кам сонли ва йўқ бўлиб бораётган зотлари генофондини сақлаб қолиш юзасидан таклифлар киритади;

барча тоифадаги хўжаликларда наслчилик ишининг юритилишини назорат қилади;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

**9-модда. Чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекторлари**

Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекциясининг бошлиғи Ўзбекистон Республикасининг чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспектори ҳисобланади.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекцияларининг бошлиқлари айни вақтда вилоятлар ва Тошкент шаҳар чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекторлари ҳисобланадилар.

Ўзбекистон Республикасининг чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспектори, чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекторлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

идоравий мансублигидан қатъи назар, наслчилик ташкилотларига монеликсиз кириш ва улардан зарур ахборотларни олиш;

наслчилик ташкилотларига қоида ва нормаларни бузиш ҳолларини бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар бериш ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш;

қоида ва нормаларни бузиш ҳоллари аниқланган тақдирда наслли маҳсулотни (материални) реализация қилишни тўхтатиб қўйиш;

ҳайвонлар селекцияси, наслли маҳсулотни (материални) такрор кўпайтириш соҳасида янги технологияларнинг ва биотехнология усулларининг қўлланилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

наслли маҳсулотнинг (материалнинг) сертификатсиз реализация қилинишига ва бошқа тарзда фойдаланилишига йўл қўймаслик;

наслчилик субъектлари ўртасида юзага келадиган низолар бўйича хулосалар бериш.

**10-модда. Наслчилик субъектларининг ҳуқуқлари**

Наслчилик субъектлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

наслчиликни ривожлантиришга қаратилган куч-ғайратларни бирлаштириш мақсадида ҳайвонларни урчитиш бўйича уюшмаларга, жамиятларга кириш, наслчилик соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишда иштирок этиш;

селекция ютуқларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш;

наслли маҳсулот (материал) савдо-кўргазмаларида (ким ошди савдоларида), кўргазмалари ва кўрикларида иштирок этиш;

наслли маҳсулотни (материални) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотиш ва сотиб олиш;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш.

**11-модда. Наслчилик субъектларининг бурчлари**

Наслчилик субъектлари:

наслчилик ҳисоб-китобини ва ҳужжатларини юритишлари;

наслчилик ресурслари яхшиланишини, сақланишини, такрор кўпайтирилишини ва улардан оқилона фойдаланилишини таъминлашлари;

ҳайвонлар маҳсулдорлиги ҳисоб-китобини юритиш, типи бўйича таснифлаш, келиб чиқишини генетик экспертиза қилиш ва уларни ўз маҳсулдорлиги ҳамда авлоднинг сифати бўйича баҳолаш талабларини бажаришлари;

хўжаликни аттестациядан ўтказиш, наслдор эркак ҳайвонларни апробация қилиш учун ва такрор кўпайтириш мақсадида улардан фойдаланишга рухсатнома олиш учун ҳужжатларни чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекциясига тақдим этишлари;

уруғ олиш учун фақат такрор кўпайтиришга рухсат этилган наслдор эркак ҳайвонлардан фойдаланишлари, уруғ ва эмбрионларни технологик ва ветеринария-санитария талабномаларида белгиланган шарт-шароитда тайёрлашлари, идентификациялашлари ва сақлашлари;

наслли маҳсулотнинг (материалнинг) сифатини кафолатлашлари шарт.

**12-модда. Наслли маҳсулотга (материалга) эгалик ҳуқуқи**

Наслли маҳсулот (материал) давлатнинг, наслдор ҳайвонларни урчитиш ва улардан фойдаланиш билан шуғулланаётган юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг мулки бўлиши мумкин.

**13-модда. Наслчиликда интеллектуал мулк**

Наслдор ҳайвонлар селекциясида эришилган ютуқларнинг натижалари интеллектуал мулк объекти ҳисобланади, уларга муаллифлик ва улардан фойдаланиш қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

**14-модда. Наслли маҳсулотни (материални) экспорт ва импорт қилиш**

Наслли маҳсулотни (материални) экспорт ва импорт қилиш Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда амалга оширилади.

**15-модда. Наслдор ҳайвонларни, наслчилик хўжаликлари ва подаларини давлат рўйхатига олиш**

Наслдор ҳайвонларни, наслчилик хўжаликлари ва подаларини давлат рўйхатига олиш тегишинча давлат наслдор ҳайвонлар китобида ва давлат наслчилик регистрида қайд этиш орқали амалга оширилади.

Давлат наслдор ҳайвонлар китоби тўғрисидаги низом ва давлат наслчилик регистри тўғрисидаги низом Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланади.

**16-модда. Наслли маҳсулотни (материални) сертификатлаштириш**

Наслли маҳсулот (материал) наслчиликнинг белгиланган стандартлари, нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги тўғрисида мажбурий сертификатлаштирилиши лозим.

Наслли маҳсулотни (материални) сертификатлаштириш наслдор ҳайвонларнинг келиб чиқишини, маҳсулдорлигини, уларда генетик нуқсонлар йўқлигини, шунингдек уруғ ёки эмбрионларнинг келиб чиқиши ва сифатини аниқлаш ҳамда ҳужжатлар билан тасдиқлаш мақсадида ўтказилади.

Наслли маҳсулотни (материални) сертификатлаштириш давлат наслчилик хизматининг тегишли органлари томонидан «Ўздавстандарт»да аккредитация қилинган селекция марказлари, чорвачилик назорат-синов станциялари, ипподромлар, сут, жун сифатининг селекция назорати лабораториялари ва иммуногенетик экспертиза лабораториялари иштирокида амалга оширилади.

Наслли маҳсулотни (материални) сертификатлаштиришдан ўтказиш тартибини Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси белгилайди.

**17-модда. Наслчилик бўйича давлат тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни маблағ билан таъминлаш**

Наслчилик хўжаликларининг ҳаммаси ўз фаолиятини тўла хўжалик ҳисобида амалга оширади ва қонун ҳужжатларида белгиланадиган имтиёзлардан фойдаланади.

Наслчилик бўйича давлат тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни маблағ билан таъминлаш Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда амалга оширилади.

**18-модда. Наслчилик соҳасидаги илмий тадқиқотлар**

Наслчиликни илмий жиҳатдан таъминлашни Фанлар академияси, Қишлоқ хўжалик фанлари академияси ҳамда илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот муассасаларининг селекция марказлари амалга оширадилар, улар давлат наслчилик хизмати ва идоралар билан биргаликда қуйидагиларни ишлаб чиқадилар:

наслчиликка оид давлат илмий-техника дастурларини;

ҳайвонлар ва паррандаларнинг мавжуд зотлари, типлари, линиялари ҳамда кроссларини такомиллаштириш ва янгиларини яратиш, наслчилик ресурслари генофондини сақлаш ва улардан оқилона фойдаланишга доир селекция-генетик дастурларини;

селекция жараёни самарадорлигини ошириш, ҳайвонларни такрор кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш усуллари ва йўлларини;

наслли маҳсулотни (материални) баҳолаш ва генетик назорат қилиш учун услубиётлар, техника воситалари ва назорат-ўлчов асбоб-ускуналарини;

наслчиликка оид ахборот билан таъминлаш тизимларини.

**19-модда. Наслдор ҳайвондан фойдаланиш шартлари**

Наслдор ҳайвондан, агар у:

тамғаланган ёки ҳайвоннинг келиб чиқишини аниқ идентификация қилиш имконини берадиган бирон-бир бошқа йўсинда унга белги қўйилган бўлса;

рўйхатдан ўтказилган ва унга сертификат олинган бўлса, зотни такрор кўпайтириш мақсадида фойдаланилади.

**20-модда. Наслдор ҳайвонларнинг уруғи ва эмбрионларидан фойдаланиш шартлари**

Наслдор ҳайвонларнинг уруғи ва эмбрионларидан, агар улар:

қишлоқ хўжалик ҳайвонларини сунъий уруғлантириш ва эмбрионларини кўчириб ўтказиш билан шуғулланувчи ташкилотларда олинган бўлса;

белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган наслдор ҳайвонлардан олинган бўлса;

идентификация қилиш мақсадида аниқ белги қўйилган бўлса;

сертификатга эга бўлса, фойдаланилади.

Наслдор ҳайвонларнинг уруғи ва эмбрионлари қишлоқ хўжалик ҳайвонларини сунъий уруғлантириш ва эмбрионларини кўчириб ўтказиш билан шуғулланувчи ташкилотлар томонидан бошқа шахсларга реализация қилиниши ёки ўтказилиши мумкин.

**21-модда. Наслли маҳсулот (материал) бонитировкаси**

Наслли маҳсулот (материал) бонитировкаси наслчилик билан шуғулланувчи барча ташкилотларда ҳар йили ўтказилади.

Наслли маҳсулот (материал) бонитировкасини ўтказиш тартиби ва шартларини Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси белгилайди.

**22-модда. Наслдор эркак ҳайвонларни баҳолаш**

Зотни такрор кўпайтириш учун танлаб олинган наслдор эркак ҳайвонлар авлодининг сифати ва ўз маҳсулдорлиги бўйича текширилиши ҳамда баҳоланиши лозим.

Наслдор эркак ҳайвонларни текшириш ва баҳолашни наслчилик ташкилотлари наслдор ҳайвонларнинг белгиланган маҳсулдорлик даражасига қараб ўтказадилар.

Наслдор эркак ҳайвонларни текшириш ва баҳолаш Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси тасдиқлайдиган услубиётга мувофиқ ўтказилади.

**23-модда. Наслчилик соҳасидаги низоларни ҳал этиш**

Наслчилик соҳасида келиб чиқувчи низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**24-модда. Наслчилик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Наслчилик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**25-модда. Халқаро шартномалар ва битимлар**

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ёки битимларида ушбу Қонунда назарда тутилганидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланилади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 21 декабрь.

---

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори*

## «НАСЛЧИЛИК ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Наслчилик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукуматнинг қарорларини «Наслчилик тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирсин, республика вазирликлари ва идоралари ўзларининг мазкур Қонунга зид бўлган норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишларини ва бекор қилишларини таъминласин.

3. Белгилаб қўйилсинки, қонун ҳужжатлари «Наслчилик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирилгунига қадар амалдаги қонун ҳужжатларининг мазкур Қонунга зид бўлмаган қисми қўлланилаверади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**
**Э. ХАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 21 декабрь.

---

# ОЛАМДА НИМА ГАП?

## САМОЛЁТ ҚУЛАСАЯМ УЧУВЧИЛАРИ ОМОН ҚОЛДИ

***Ҳиндистон ҳарбий ҳаво кучларининг МИГ-23 русумидаги иккита самолёти ҳалокатга учради.***

Мамлакат ҳарбий ҳаво кучларининг Адампур туманидаги аэродромидан учган бу икки самолёт ҳавода ҳарбий машқларни бажараётиб, бир-бирига тўқнашиб кетган. Ҳалокат Ҳошиарпур ўлкаси ҳудудида содир бўлган. Ҳиндистон ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги расмий вакилининг маълум қилишича, синовчи учувчиларнинг ҳаёти сақлаб қолинган. Ёниб кетган самолётлар эса Паинор посёлкасидаги одамлар яшайдиган уйларнинг устига қулаб тушган.

## ҚОНЛИ ВОҚЕА ТАШКИЛОТЧИСИ АНИҚЛАНДИ

***Покистон махсус хизмат вакиллари Пешаворда (мамлакатнинг Шимоли-Шарқида) юз берган қонли воқеаларнинг асосий ташкилотчисини аниқлади.***

Мамлакат полиция бош бошқармаси бошлиғи Мақсуд Шоҳнинг маълум қилишича, ушбу қонли ҳаракатларни содир этган экстремистик гуруҳларнинг раҳбари Абдул Матин исмли одам экан. Мамлакат тартиб посбонларининг маълумотларига қараганда, Абдул Матин Афғонистон фуқаросидир.



*СУРАТДА: Копенгаген кўчаларида.*

## ВАЗИРНИНГ ФИКРИ

***Эрон 2001 йилга бориб ўзининг ядро бомбасини яратади, деб баёнот берди Исроил ташқи ишлар вазири Эхуд Барак мамлакатга расмий ташриф буюрган Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев билан суҳбати чоғида.***

«Эрон ушбу мақсадига эришиш учун собиқ СССРдан атом мутахассисларини олиб келишга ҳаракат қилмоқда. Баъзи «хорижий компаниялар»нинг хизматидан фойдаланиб, айрим зарурий қисмларни ҳам ўша томондан топишга уринмоқда», деди, жумладан, Эхуд Барак.

## ОЛТИ ОЙЛИК ТАНАФФУСДАН СЎНГ

***Американинг Мэриленд штатида Сурия-Исроил музокаралари олти ойлик танаффусдан сўнг яна бошланди.***

Исроил Бош вазири Шимон Перес мамлакатда парламент сайловлари бошлангунга қадар Сурия билан тинчлик шартномасига эришиш умидини билдирди. Ушбу сайловлар 1996 йилнинг октябрь ойида бўлиши мўлжалланмоқда.

## ҚИТЪАЛАРАРО БАЛЛИСТИК РАКЕТАЛАР ЯРОҚСИЗЛАНТИРИЛАДИ

***АҚШ мудофаа вазири Уильям Перри 1996 йилнинг 4-5 январ кунлари Украинага расмий ташриф буюради, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.***

Ташриф давомида У. Перри Николаевск вилоятининг Первомайск шаҳридаги қитъалараро баллистик ракета ишчи қурилмасини яроқсизлантириш жараёнини бориб кўради. Шунингдек, у бу ерда жангчи-ракетачилар учун янги шаҳарчанинг очилиш маросимида иштирок этади.

## ЯНА ҚОРАБОҒ МУАММОСИ

***Буюк Британия ташқи ишлар ва ҳамдўстлик вазири Малкольм Рифкинд Арманистонга ташриф буюрди.***

У Арманистон ҳукумати раҳбарлари билан икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш юзасидан музокаралар олиб боради. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабарига кўра, учрашувда ҳудудий муаммолар, жумладан, Қорабоғ масаласи ҳам муҳокама этилади.

## ЁНҒИН ОДАМЛАР ҲАЁТИГА ҲАМ ХАВФ СОЛДИ

***Россия Федерациясининг мазкур вилоятида рўй берган ёнғинлар туфайли саккиз нафар киши ҳаётдан кўз юмди.***

Вилоят ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг аниқлашича, ёнғинлар табиий газ билан ишлайдиган иситиш мосламалари ва газ плиталарининг эҳтиётсизлик билан ишлатилиши оқибатида келиб чиққан. Энг ачинарлиси шундаки, ҳалок бўлганлар орасида болалар ҳам бор.

## АЁЛЛАР ҲУЖУМ ҚИЛДИ

***Шри-Ланкадаги «Тамил илама — озодлик йўлбарслари» (ТОТИ) гуруҳининг 200 нафар аёлдан иборат қуролли бўлинмаси мамлакат шимолида жойлашган ҳукумат ҳарбий ҳаво кучлари базасига ҳужум қилди.***

Тўқнашув оқибатида учувчилардан бири ҳалок бўлган, ўн икки нафари эса оғир яраланган.

Шри-Ланка Мудофаа вазирлигининг хабарига кўра, «Озодлик йўлбарслари» раҳбарлари аёлларнинг бундай кенг қамровли мустақил ҳужумини илк бор уюштирган.

· Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан

# СОҲИБҚИРОН КУТУБХОНАСИ

*Соҳибқирон Амир Темур тўғрисидаги ҳар бир маълумот юртимиз тарихининг жажжи бўлагидир. Шу нуқтаи назардан кекса тарихчи, ўлкамиз ўтмиши билимдони Абдураҳим ўғли Каримжоннинг отасидан эшитган хотиралари газетхонни бефарқ қолдирмаса керак деб ўйлаймиз.*

Айтишларича, Амир Темур ниҳоятда эҳтиёткор ва ҳар бир ишни олдиндан пухта ўйлаб қиладиган киши бўлган. XIV аср охирида иккита қудратли мусулмон давлати вужудга келганлиги сир эмас. Улардан бири Ўрта Осиёдан, аниқроғи, туркманларнинг қиниқ қабиласидан чиққан, салжуқийлар авлодидан бўлган Султон Йилдирим Боязид бошлиқ Усмонли турк давлати эди. Бу давлат томонидан Европа мамлакатларини босиб олиш хавфи пайдо бўлади. Иккинчи қудратли давлат ҳукмдори Амир Темур Султон Боязидга йўллаган мактубларида ўзаро аҳил яшаш, урушмаслик, дини, пайғамбари бир икки мамлакат ўртасида ихтилоф чиқармаслик лозимлиги хусусида сўз юритади. Ушбу таклифдан нотўғри хулоса чиқарган Султон тарихий хатога йўл қўяди. Темурнинг мактубини хотинининг оёғи остига ташлаб, «Қара, саҳро бўриси мендан қўрқиб, сулҳ тузишни таклиф қилибди», дейди. Бундан хабар топган Амир Темур ўз саройидаги девонбегини чақириб, чўлда боқилаётган нортуялардан 100 тачасини сўйиб, терисини шилишни, яхшилаб ошлашни буюради. Уларни шу сўйилган туяларнинг чарви ёғига бостириб қўйиш кераклигини, сўнг эса тикинди, яъни теридан тайёрланган ип билан мустаҳкам қилиб қоплар тикмоқни амр этади. Гап шундаки, бундай қоплардаги нарса сув остида ҳар қанча турган тақдирда ҳам заррача нам тортмас экан.

Тарихдан маълумки, 1402 йилда Анқара ёнидаги жангда Амир Темурнинг қўли баланд келиб, Султон Боязид асирга тушади. Шу заҳоти соҳибқирон девонбегини чақириб, ўша даврнинг Яқин Шарқдаги бой кутубхоналаридан бўлмиш Бурса ва Анқарадаги кутубхонадан энг ноёб китобларни ажратиб олишни буюради. Ва китоблар юқорида зикр этилган қопларга солиниб, тиқинди билан тикилади, нортуяларга юкланиб, махсус соқчилар кузатувида Самарқандга — Кўксаройга олиб келинади. Соҳибқирон вафотидан кейин темурийлар ўртасидаги тахт учун кураш оқибатида кутубхона бўлиниб кетади. Унинг бир қисми Хўжа Аҳрор Вали масжидига ўтказилади. Ўрта Осиё, шунингдек Самарқанд ҳам Чор Россияси томонидан босиб олингандан кейин ушбу нодир асарлар Москва ва Санкт-Петербург шаҳарларига ташиб кетилади. Улар орасида Ҳазрати Усмон томонидан кўчирилган Қуръон нусхаси ҳам бор.

— Тўғри, Қуръон нусхаси Ўзбекистонга қайтарилди, — дейди Каримжон ака. — Аммо, Кўксарой ҳамда Хўжа Аҳрор Вали мачитидаги тенги йўқ қадимий Шарқ қўлёзмаларининг аксарияти ҳозир ҳам Москва ва Санкт-Петербург шаҳарлари кутубхоналарида ўз ворисларини кутиб ётибди. Истиқлол йилларида бу ноёб қўлёзмалар халқимизнинг маънавий баркамоллик сари интилишига, юртимиз тарихини ўрганишга беқиёс хизмат қилиши мумкин. Шунинг учун бобомерос бойликларимизни қонуний эгаларига қайтариш вақти келди. Бу келажак авлод олдидаги бурчимиздир.

**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Маннон ОТАБОЙ ёзиб олди.**

# ЖОМБОЙ НОНЛАРИ



Самарқанд вилоятида 5 та ун комбинати мавжуд бўлиб, улар вилоят дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятлари уюшмаси таркибига киради. Ўтган йили комбинатлар цехларида 160 минг тоннадан зиёд ун тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилди. Уюшма таркибидаги Жомбой ун комбинати кейинги йилларда муваффақиятли фаолият юргизмоқда. Ҳозир бу ерда ўзининг тўйимлилиги ва пархезбоплиги билан ажралиб турувчи «Ўзбекистон» навли ун ишлаб чиқариляпти. Шунингдек, аҳолининг талабларини ҳисобга олиб 3 ва 5 килограммли идишларга ун қадоқлаш ҳам йўлга қўйилди. Айни кунда комбинатнинг бир қанча фирма дўконлари аҳоли хизматида.



Жомбой туманида аҳолини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш намунали йўлга қўйилган. Туманда чет элда ишлаб чиқарилган бир неча нон пишириш линиялари ишлаб турибди. Шунингдек, туман аҳлини нон маҳсулотлари билан янада яхшироқ таъминлаш мақсадида кунига 12 тонна маҳсулот тайёрлаб берадиган нон комбинати қурилиши ҳам жадал олиб борилмоқда.



*СУРАТЛАРДА: Жомбой ун комбинатининг умумий кўриниши; нонвойлар Г. Ғаффорова, И. Йўлдошева ва цех бошлиги О. Аҳмедовлар иш устида; чилангар Актам Ҳайдаров.*

**Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

· Спорт — саломатлик бурчаги

# ҚАЙСИ СПОРТ ТУРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНГАН МАЪҚУЛ

## ёки сузишнинг ракка қарши хусусияти ҳақида

***Спорт соғлиқни мустаҳкамлайди. Бу ҳамма учун тушунарли ва эндиликда оддий аксиомадир. Лекин кўпроқ қайси спорт тури билан шуғулланган маъқул? Бу ҳақда сўз кетганда мутахассисларга, врачларга мурожаат қилишга тўғри келади. Буюк олим Ибн Сино бадан-тарбия билан шуғулланиб турган одамга асло дард йўламаслигини эътироф этиб, фақат бу машғулот ўз вақтида ва меъёрида бўлишини тавсия этган.***

Демакки, бу жараёнда вақт ва меъёр бузилса, унинг зарарли томонлари ҳам мавжуд. Немис олимларининг кейинги йилларда олиб борган тадқиқотлари ҳам спортнинг кишилар ҳаётидаги роли ва меъёр ҳамда вақт бирлигига бағишланган. Уларнинг хулосаларига кўра теннис, футбол ва бир қатор спорт турлари билан меъёрида шуғулланиб туриш яхши оқибатларга олиб келади. Лекин бу спорт турлари алоҳида шароит ва бошқа кишиларни жалб қилишни талаб этади, қолаверса бу спорт турлари, айниқса, кейингисида жароҳат олиш хавфи мавжуд. Шунингдек, бу спорт турлари чанг ютиш ва кўп қувват сарфланиши билан алоқадор. Кишиларнинг алоҳида тарзда ўз соғлиқларини мустаҳкамлаш учун энг маъқул спорт турлари — бу сузиш ва чанғида югуришдир. Улар кишилар соғлигини мустаҳкамлашдан ташқари ҳатто юрак ва рак касалликларига қарши курашувчи энг яхши воситадир. Кёльн немис олий спорт мактабида бўлиб ўтган конгресс қатнашчилари ҳам буни тасдиқлашди.

Рак касаллиги бўйича тадқиқот институти раҳбари, профессор Рихард Рост сузиш ва чанғида югуришни «энг соғлом» спорт тури деб атади. Унинг таъкидлашича, тадқиқотлар бу спорт турларининг нафақат инфаркт, балки ракка қарши курашда ҳам роли катта бўлишини кўрсатган. Спорт ҳакимлари ва биохимик олимларнинг хулосасига кўра бу спорт турлари билан шуғулланиш жараёнида киши танасидаги рак аломатларига қарши тўқималар ҳаракати фаоллашади ва натижада хасталик аломатлари ўлади. Сузиш ва чанғида югуриш шароитига эга бўлмаган кишилар врачлар тавсияси бўйича (яъни вақт ва меъёрни белгилашда) югуриш билан мунтазам шуғуллангани маъқул. Югуриш ҳам юқоридаги спорт турлари ўрнини боса олади ва одам танасидаги турли хасталикларга қарши тўқималар, ҳужайралар фаоллигини ошириб, соғлиқни мустаҳкамлайди.

Немис олимларининг фикрича, ҳозирги кунда Ер юзидаги бевақт ўлим ҳодисаларининг 35,5 фоизининг сабабини рак, 31,3 фоизини инфаркт ташкил этаяпти. Тиббиётчилар бу касалликларга қарши спорт орқали кураш келгусида яхши натижалар беришига умид билдиришяпти.

Сузиш ва чанғида югуришнинг афзал томонлари яна шундаки, улар экологик жиҳатдан ҳам мусаффодир. Киши сузиш билан шуғулланганда унинг бутун тўқималари ўзига тегишли равишдаги бир хил ҳаракатда бўлади ва у кишининг, айниқса, ўсмирларнинг танаси бир хил, яъни меъёрида ривожланишига олиб келади. Масалан, тош кўтариш билан шуғулланган кишининг билак ва елка тўқималари бошқа тана аъзоларига нисбатан тез ривожланиб кетади. Футболчиларнинг эса оёқ мускуллари билакларига нисбатан яхшироқ ривожланади ва ҳоказо.

Барча тана аъзоларининг бир хилда ривожланиши, табиий, кишининг ташқи кўринишини ҳам гўзаллаштиради. Сузиш билан шуғулланишнинг афзал томонларини мутахассислар яна қуйидаги мисол билан ифодалашяпти. Дейлик, сиз роса югурдингиз. Табиийки, терлаб тери тўқималарингиздаги ташқи муҳит билан боғловчи тешиклар янада кўпроқ очилади. Агар бу тешикларга микробли чанглар ўрнашсачи? Хўп, шундай бўлмади дейлик, чунки сиз машғулотдан сўнг ўраниб-чирманиб душ сари йўл олдингиз. Лекин душга тушган чоғингизда сизнинг тўқималарингизга керакли бўлган ҳарорат меъёрини, яъни сув ҳарорати билан тана ҳароратининг қандай ҳолатда, меъёрда уйғунлашувини мутахассис бўлмасангиз билмайсиз. Сузишда эса машғулот ва ювиниш жараёни бир вақтнинг ўзида, табиий равишда кечади. Қолаверса, сув сизнинг ташқи тана тўқималарингизни муолажа қилади. Буни тасаввур қилиш учун соч олдирганингиздан сўнг руҳингизда сезган енгилликни ҳис этиш кифоя, яъни сартарош соч олиш билан бирга сизнинг бош тўқималарингизни массаж қилади ва оқибатда миянгиз чароғонлашиб, ўзингизни енгил ҳис қиласиз.

Хўш, қайси спорт турларидан имкон қадар йироқроқ бўлиш керак. Бу борада жаҳон миқёсида тиббиётчилар ва спортчилар ўртасида етарлича баҳс-мунозаралар ҳам мавжуд. Жумладан, тиббиётчилар автомобиль пойгалари ва киши ҳаёти учун хавфли бўлган спорт турларига қаршидирлар. Спортчилар, тўғрироғи спорт жамоатчилиги эса бу спорт турларининг оммавийлиги, унга кишилар томонидан қизиқиш кучлилигини рўкач қилишади ва уларга фақат профессионалларни жалб этишга тиришишади. Жумладан, бокс ҳам бу икки соҳа кишилари ўртасида узоқ тортишувларга сабаб бўлди ва ҳатто масала боксни Олимпиада ўйинларидан олиб ташлашгача бориб етди. Бу баҳсларда тиббиётчилар ҳақ бўлса-да, боксга Ер юзида қизиқувчиларнинг кўплиги туфайли ҳакимлар озчиликни ташкил этиб, ён беришга мажбур бўлишди. Тўғри, «спортчилар»нинг ҳам бироз ён беришига тўғри келди. Жумладан, эндиликда боксчилар рингга зарбани икки ҳисса камайтирадиган қўлқоп ва анча ҳимояловчи бош кийим (шлем) кийиб тушишяпти. Айни пайтда бош кийимларининг зарба кучини янада камайтирувчи қилиб тайёрлаш устида иш олиб бориляпти. Чунки боксда киши учун энг хавфлиси жароҳат олишдан ҳам кўра мия чайқалишидир. Халқаро ҳаваскор боксчилар федерацияси президенти Анвар Чаудри қитъа чемпионати боис юртимизда бўлган чоғида бокс мусобақаларининг «қонсиз» бўлиши учун Францияда янги бош кийимлари чиқарила бошлаганини маълум қилган эди.

Умуман олганда, Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган барча спорт турлари тиббиётчилар текширувидан ўтказилган ва киши ҳаёти учун зарарсизларигина «имтиҳон»дан ўтган.

Оддий уй шароити учун энг мақбули бадан-тарбиядир. Албатта, бу борада врачлар билан маслаҳатлашиб туриш фойдадан холи бўлмайди.

**Расул ЖУМАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ШОҲМОТ ТОЖИ УЧУН КУРАШ ТАРТИБИ ЎЗГАРДИ

Бутун жаҳон шоҳмотсеварлари ФИДЕ президенти ўзгаргач, икки оқимга бўлинган дунё биринчилиги тартибида ҳам ўзгаришлар бўлишини кутишган эди. Яқинда ФИДЕ президенти этиб сайланган Кирсан Илюмжинов бу борада дастлабки қадамни қўйди. Сингапурда ўтказилган ФИДЕ президентлик кенгашида жаҳон чемпионати шу йилдан эътиборан янгича тартибда ўтказилиши маълум қилинди. Энди жаҳон чемпионати аввалгидек бир неча йиллик танаффус билан эмас, балки ҳар йили мунтазам ўтказилади. Илюмжинов жаҳон чемпионати ҳар йили 20 декабрдан 10 январгача ўтказилишини таклиф қилди. Жаҳон чемпионатида мамлакат ҳамда минтақа чемпионлари ва дунёвий рейтинги юқори бўлган 100 нафар шоҳмотчи қатнашади. ФИДЕ чемпионатнинг мукофот жамғармасини 5 миллион долларга етказишни, яъни ҳар бир қатнашчини тақдирлашни мўлжаллаяпти. Дунё биринчилиги олимпияча тартибда, ҳар доимги вақт назорати ўлчовида ўтказилади. Ғолибни аниқлаш жараёнидаги кетма-кет дуранг ҳолатлари юзага келган вазиятларда эса кейинги йилларда мутахассислар томонидан таклиф этилаётган учрашувнинг назорат вақтини қисқартиш тартиби амал қилади. Жаҳон шоҳмот мутахассислари ФИДЕнинг янги президенти тутган йўлни юқори баҳолашмоқда.

Жаҳон чемпионати шу йилдан эътиборан ўтказила бошлайди. Ҳозирча у қаерда ўтказилиши маълум эмас. Бу йилги жаҳон чемпионатида Ўзбекистондан кимлар қатнашиши мумкин? Биринчи навбатда, албатта, гроссмейстер Александр Ненашев. Чунки у жаҳон гроссмейстерлари рейтингида кучли элликдан ўрин эгаллаб турибди. Шунингдек, гроссмейстерларимиз Логинов ва Загребельнийнинг ҳам тўғридан-тўғри жаҳон чемпионатида қатнашиш имконияти бор.

**Р. ЭРМУҲАММАД,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


*Диққат янгиликлар!*

**Ўзбекистон Республикаси Халқ банки эркин муомаладаги валютада янги омонат турларини таклиф этади.**

*Валюта омонатлари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан, шунингдек Ўзбекистон ҳудудида доимий равишда истиқомат қилувчи чет эл фуқаролари, ҳамда фуқаролик ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар томонидан ҳам очилиши мумкин.*

**"Талаб қилиб олинадиган" омонатларга йилига 2 фоиз, муддати камида 1 йил бўлган "муддатли" омонатларга эса 4 фоиз миқдорида эркин муомаладаги валютада даромад тўланади.**

**"Талаб қилиб олинадиган" омонатга камида 200 АҚШ долларига , "муддатли" омонат очишингиз учун эса 500 АҚШ долларига тенг миқдорда эркин муомаладаги валюта қўйилса ёки нақд пулсиз ўтказилса кифоя.**

***Тўлиқ маълумотларни Халқ банкининг исталган муассасасидан ёки қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин:***

*45-35-41, 33-51-95.*

**Халқ банки Сизнинг хизматингизда.**

**Ўзбекистон Республикаси Халқ банки.**



**Ташкилот**

**қуйидагиларни таклиф қилади:**

- *486 DX компьютерлари;*
- *"Canon" нусха кўчириш аппаратлари;*
- *"Magner-35" пул санаш аппаратлари;*
- *"Samsung" касса аппаратлари;*
- *200 хилдан ортиқ канцелярия моллари;*
- *СТ 90 аккумуляторлари;*
- *чет эл одеяллари;*
- *стол ва стуллар;*
- *пахтани тойлаш учун сим ва бандажлар.*

**Манзил:**

***Тошкент ш., Халқлар дўстлиги к., 100.***

**Тел.: (3712) 72-98-17, 79-47-74.**



**"ШУЪЛА" САВДО УЙИ**

**ЧИРЧИҚ ШАҲРИДАГИ ОМБОРДАН ҚУЙИДАГИЛАРНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ:**

| | | |
|---|---|---|
| **Чўғланма лампалар** | 40,60 вт | 7 сўм |
| | 150 вт | 11 сўм |
| | 200 вт | 19 сўм |
| | 300 вт | 24 сўм |
| | 500 вт | 40 сўм. |
| **Люминисцент лампалар** | ЛБ-20 | 48 сўм |
| **Симобли-ёйли лампалар** | ДРЛ-125 | 168 сўм |
| | ДРЛ-250 | 255 сўм |
| | ДРЛ-400 | 323 сўм. |

*25,75 ваттли, 60 ваттли декоратив, ЛБ-40, ДРЛ-700 ҳамда, 12 хил автомобиль лампалари, 6 хил янги йил арчаси маржонлари, 8 хил рўзғор ёритгичлари, ЛПО-2х40, РКУ-250, РКУ-400, РСП-250, РСП-400 саноат ёритгичлари келиши кутилмоқда.*

**Қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:**

***Чирчиқ шаҳри, В. Ҳайдаров кўчаси, 1-уй.***

***Тел.: (371-71) 5-48-48, 95-294,***

***Тошкентдаги тел.: (3712) 68-68-24.***



CUKURS-BIZNES

**ЦУКУРС-БИЗНЕС**

***Барча манфаатдор шахслар диққатига!***

**"Цукурс-бизнес" компанияси**

**1995 йилнинг декабрь-1996 йилнинг февраль ойларига шакар етказиб беришга буюртмалар қабул қилади.**

**Баҳоси: 1 кг шакар 25 сўмдан,15 сўмгача**

**пул тўлаш усули - ихтиёрий**

**Банк векселлари ҳам қабул қилинади.**

| **Бизнинг манзил:** | **Телефонлар:** |
|---|---|
| *Тошкент, Ниёзбек йўли (собиқ Урицкий кўчаси), 6-уй, 101-хона.* | *(3712) 34-05-07, 34-00-98.* |

**Биз билан ҳамкорлик қилганлар яхшигина даромад топади!**


«Ўзбексавдо» давлат акционерлик уюшмаси жамоаси «Пойафзал ва спорт моллари» акционерлик бирлашмасининг раиси И. Отахоновга отаси

**Пошшахон ОТАХОНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви ва «Маҳалла» газетаси жамоалари шу жамғарма раисининг ўринбосари Гулнора Йўлчиевага умр йўлдоши

**Озод ЙЎЛЧИЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.




ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир:**
**Анвар ЖЎРАБОЕВ.**

***БЎЛИМЛАР:***
***Парламент 33-57-34;***
***Хатлар 33-07-48;***
***Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;***
***Иқтисодиёт 36-36-65;***
***Маънавият 36-35-60;***
***Ахборот 36-29-89;***
***Тунги муҳарририят 33-10-28.***

**· МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ГСП**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.**

**Навбатчи муҳаррир— Р. Жумаев.**
**Навбатчи — О. Тўрақулов.**

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 020. 51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 **Босишга топшириш вақти—21.00**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 20.15.**

1 2 3 4 5 6